Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№65 (414)
2020 йил 21 август, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR · t.me/uzbunyodkor · uzbunyodkori@umail.uz

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:

## ПАНДЕМИЯ МУСТАҚИЛЛИК КУНИДА КАТТА ЙИҒИН ВА САЙИЛЛАР ЎТКАЗИШНИ ЧЕКЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 20 август куни тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида пандемияни жиловлаш доирасида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, Мустақиллик байрамини бундай шароитда нишонлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Жумладан, қайд этилишича, бугунга келиб мамлакатимизда жами коронавирус юқтирганлар сони 37,5 мингдан ошди, шундан 33 мингдан зиёди ёки 88 фоизи соғайди. 4 минг беморни даволаш ва оиласи бағрига қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев бундай натижалар юртимиз тиббиёт ходимларининг буюк хизмати эканини алоҳида айтиб ўтди. Вазият, айниқса, Тошкент шаҳрида ижобий томонга ўзгараётгани, яқинда Россия, Германия ва Хитойдан таклиф этилган шифокорлар ҳудудлар ўртасида тақсимлангани, Германиядан яна мутахассислар келиши кутилаётгани қайд этилди. Хорижлик экспертлар асосан оғир аҳволдаги касалларни энг замонавий услублар асосида, тизимли равишда даволашга жалб этилмоқда, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, айни ҳафталар биз учун синовли давр бўлади. Кўрилаётган чоралар қанчалик натижа бериши кейинги ҳафтада аён бўлади.

Лекин, аҳоли томонидан шифокорлар тавсияларига, яъни ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, оилавий маросимларни ихчамлаштириш каби қатъий эҳтиёт чораларига риоя қилинмас экан, давлат карантин чекловларини қайтадан татбиқ қилишга мажбур бўлиши қайд этилди.

Шу муносабат билан, ҳар биримиз пандемия шароитида яшаш ва ишлашга, ҳаракатларимизда эпидемилогик талабларга сўзсиз амал қилишга одатланишимиз кераклиги яна бир бор таъкидланди.

Шу боис, ҳокимлар, сектор раҳбарлари ва вазирларга доимий равишда вазиятни таҳлил қилиб, COVID-19 тарқалишини қатъий чеклаш, беморларни самарали даволаш ва эҳтиёжмандларга ёрдам бериш бўйича барча чораларни кўриб бориш топшириғи берилди.

Юртимиз мустақиллигининг 29 йиллик айёми ҳам яқинлашиб келяпти.

Ушбу масалада шифокорлар билан маслаҳат қилган ҳолда шундай хулосага келиндики, пандемия билан боғлиқ вазият бу йил жойларда катта йиғин ва сайиллар ўтказишни чеклаш талабини қўймоқда. Шунинг учун ушбу улуғ санани кўпроқ оила даврасида нишонлашни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Корхона ва ташкилотларда ҳам байрам тадбирлари режалаштирилган тақдирда уларни санитария нормаларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида байрам кунлари қизиқарли, янги форматдаги кўрсатувлар, эшиттириш ва чиқишлар намойиш этиш борасида тавсиялар берилди.

**ЎзА.**

## «Шаффоф қурилиш» ахборот тизими:

## ИМКОНИЯТ ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

**Маълумотларга кўра, архитектура ва қурилиш жараёнининг тўлиқ рақамлаштирилиши мамлакатимизда қурилишга рухсат беришни 254 кундан 84 кунга қисқартириш, ушбу жараёнлардаги тартиб-таомилларни 17 тадан 5 тага камайтириш, тадбиркорлар ва фуқароларнинг бу ишларга сарфланадиган вақтини 67 фоизгача қисқартириш имконини беради.**



Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ташкил этилган Қурилиш соҳасида АКТни ривожлантириш маркази тегишли мутахассисликка эга малакали кадрлар билан тўлдирилди, моддий-техник базасини шакллантириш чоралари кўрилди.

(Давоми 2-бетда)

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲУДУДЛАРДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 август куни мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарга қўшимча захира яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Карантин талаблари юмшатилгани туфайли мамлакатимизда иқтисодий фаоллик оша бошлади. Савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги тадбиркорлик фаолияти тикланиб, даромадларни кўпайтиришга имконият пайдо бўлди.

Йиғилишда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманлардаги қўшимча имкониятлар таҳлил қилиниб, уларни ишга солиш чоралари белгиланди.

Жорий йил 1 декабрга қадар 500 миллиард сўм қўшимча захира шакллантиришга тўлиқ имконият борлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Ушбу маблағлар эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан берилаётган пулларга қўшимча ресурс бўлади.

Август ойида 20 минг, сентябрда 26 мингта корхона фаолиятини тўлиқ қувватга олиб чиқиш, уларнинг пандемия туфайли тўпланиб қолган маҳсулотларини сотиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун йирик шаҳарларда қўшимча савдо жойлари ташкил этиш, талаб юқори бўлган истеъмол маҳсулотларини тўлиқ электрон савдо тизимларига жойлаштириш вазифаси юклатилди. Хомашё олиб келиш ёки экспортда қийналаётган корхоналарнинг транспорт-логистика масалаларини ҳал этиш бўйича топшириқ берилди.

Вилоят ҳокимлари Бизнес-омбудсман, Божхона қўмитаси билан бирга 1 октябргача тадбиркорлар томонидан келтирилган технологик ускунани ишга тушириш ҳамда улар учун ер, бино, электр, газ ва бошқа муҳандислик-коммуникация масалаларини ҳал қилиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳудудларда тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича захиралар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, давлат томонидан ажратилган субсидия ва кам фоизли кредит эвазига Фориш туманида 100 та қудуқ қазилиб, фойдаланишдан чиқиб кетган 2 минг 700 гектар ерда 6 та токзор ташкил этилди. Бунинг натижасида 2,5 минг янги иш ўрни яратилиб, бюджетга қўшимча тушум таъминланади.

Шунингдек, Тахиатош туманида Иссиқлик электр станциясининг ташланма иссиқ сувидан фойдаланиб, 54 гектарда 7 та гидропоника иссиқхонаси барпо этилмоқда. Бунинг ҳисобига жорий йилда 500 та иш ўрни яратилади ва қўшимча солиқ манбаи пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари барча ҳудудларда шундай имкониятлар борлигини таъкидлаб, уларни оқилона ишга солиш, кооперация орқали янги корхоналарни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир захира – эркин иқтисодий зоналардаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланган 1 минг гектардан зиёд бўш ер майдонлари. Уларда 17 минг иш ўрни яратиладиган 120 та лойиҳани амалга ошириш мумкин. Йиғилишда ушбу лойиҳаларни пухта шакллантириб, тезроқ ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди.

«Яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш ва шу орқали қўшимча захираларни шакллантириш топшириғи берилди. Бундай қўшимча захиралар, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш учун муҳим манба бўлади.

Қўшимча захирларнинг сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бу борада маҳаллий кенгашлар фаолиятини янада кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Бош вазир ўринбосарига уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш тартибини жорий этиш вазифаси юклатилди. Бу ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида, мамлакатимизда жорий этилган «темир дафтар»лар сингари, ишсиз ёшлар бўйича алоҳида («Ёшлар дафтари»), ишсиз ва боқувчисиз хотин-қизлар бўйича алоҳида («Аёллар дафтари») рўйхатлар шакллантириб, ҳар бири билан янги тизим, янгича тартибда манзилли ишлаш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида сўзга чиққан ҳокимлар тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча захираларни шакллантиришга доир режалари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

GRAND ROAD TASHKENT



24/7

Прочное и качественное строительство вместе с «GRAND ROAD TASHKENT»!

КРУПНАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ КОМПАНИЯ «GRAND ROAD TASHKENT» КОМПЛЕКСНО УДОВЛЕТВОРЯЕТ ЗАПРОСЫ ЗАКАЗЧИКОВ ПО ПРОИЗВОДСТВУ И ПОСТАВКЕ СБОРНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ ИЗДЕЛИЙ И БЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ,

КОМПАНИЯ ПРЕДЛАГАЕТ ШИРОКИЙ ПЕРЕЧЕНЬ КАЧЕСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ И ВОЗМОЖНОСТЬ СДЕЛАТЬ ЗАКАЗ ЛЮБЫХ ТРЕБУЕМЫХ ОБЪЕМОВ ЖБИ В КРАТЧАЙШИЕ СРОКИ.

КАЧЕСТВЕННАЯ ЖЕЛЕЗОБЕТОННАЯ ПРОДУКЦИЯ, ПОСТАВЛЯЕМАЯ С ПРЕДПРИЯТИЙ, СООТВЕТСТВУЕТ ВСЕМ НЕОБХОДИМЫМ ГОСТАМ. ВЫ МОЖЕТЕ ПРИОБРЕСТИ НЕОБХОДИМЫЕ ЖБИ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬСТВА, ТАКИЕ КАК: ПЛИТЫ ПЕРЕКРЫТИЯ, ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ БЛОКИ, ПЕРЕМЫЧКИ, ДОРОЖНЫЕ ПЛИТЫ, КОЛЬЦА И ЭЛЕМЕНТЫ КОЛОДЦЕВ, ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫЕ ОПОРЫ, РИГЕЛЯ И ДРУГИЕ. ВЫСОКОЕ КАЧЕСТВО ЖБИ ОБЕСПЕЧИВАЕТСЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ САМЫХ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОИЗВОДСТВЕ.

ВСЕ ПОДРОБНОСТИ ВЫ МОЖЕТЕ УЗНАТЬ, ПОЗВОНИВ НАМ ПО НОМЕРАМ:
+998 95 410 10 10
+998 71 210 10 10
+998 95 620 10 10
GRANDROAD.UZ

Реклама

## «Шаффоф қурилиш» ахборот тизими:

# ИМКОНИЯТ ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Уларнинг олдига қурилиш соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини яратиш вазифаси қўйилди.

Президентимизнинг Ўзбекистон қурувчиларига йўлланган табригида «Шаффоф қурилиш» ахборот тизими алоҳида эътироф этилиб, бунёдкорлик ишларида дунёнинг ривожланган давлатлари стандартларига мос бўлган янги инновацион технология ва ечимларни қўллашга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Ушбу ахборот тизими соҳада коррупциянинг, қоғозбозликнинг олдини олиш, иш вақтини тежашга хизмат қилади, дея юқори баҳо берилди.

Дарҳақиқат, ўтган уч йил давомида соҳани тартибга солувчи жами 33 та қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 6 та қонун ҳужжати ҳаётга татбиқ этилди. Қолаверса, Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтларида 22 та бакалавриат таълим йўналиши ва 23 та магистратура мутахассисликлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш ва қурилиш сифатини оширишга қаратилган ишлар ҳам жадал давом эттирилмоқда. Жумладан, қурилиш пудрат ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш рейтинги жорий этилди. Қурилиш соҳаси билан боғлиқ барча асосий маълумотларнинг ягона электрон базаси шакллантирилаётгани ҳам сифат даражаси яхшиланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Галдаги вазифа – назоратни ҳозиргидек қўлда эмас, балки IT-технологияларни жорий қилган ҳолда амалга ошириш зарур.

– Жорий йил 1 августидан Тошкент шаҳрида, кейинги йил бошидан бошқа ҳудудларда қурилишда аниқланган барча камчиликлар фотосуратлари билан тизимга онлайн киритилиб, назорат жараёнлари автоматлаштирила бошланади, – дейди Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида АКТни ривожлантириш маркази раҳбари Санжар Абдуғаниев. – Қолаверса, қурувчи ташкилот ёки фуқароларга жараён тартиблари ва шартлари ҳақида тўлиқ маълумотларни исталган вақтда олиш имкониятини берувчи онлайн тизим ишга туширилмоқда. Бунда барча шаҳарсозлик қоида ва нормаларини интерактив кўринишга келтириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича барча жараёнларни рақамлаштириш ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақлашни йўлга қўйиш асосий мақсад қилинган.



– Назорат инспекторлари томонидан объектларда аниқланган барча камчиликлар, юқорида таъкидлангани дек фотосуратлари билан биргаликда тизимга онлайн равишда киритилади, – дейди Санжар Абдуғаниев. – Бу орқали жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилиб, маълумотлар ягона базада сақланади. Тизимнинг асосий вазифаларига объектлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, текширувлар, камчиликлар ва бажарилган ишлар ҳақида хабарларни жамлаш, инспекторларга мобил қурилмалар ёрдамида объект ҳақидаги ахборот билан танишиш ва аниқланган хатоликларни онлайн тизимга жойлаш имконини бериш кабилар киради. Қолаверса, қурилаётган иншоотлар ҳолати бўйича қилинган ҳисоботларни автоматик равишда бирлаштириш ва жойлардан инспекторлар томонидан киритилаётган маълумотларни геолокацияларга боғлаш ҳам шу тизим орқали амалга оширилади. Натижада объект ва текширувчилар кесимида реал вақт режимида назорат жараёнлари ҳолатини кузатиш имконияти туғилади. Коррупция ҳолатларининг олди олиниб, қоғозбозлик максимал даражада камайтирилади. Шу билан бирга, жараёнда кўп йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш имкони ҳам пайдо бўлади.

### ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИДАГИ ОБЪЕКТЛАР МОНИТОРИНГИ

Ҳар қандай давлатга инвестор жалб қилишда уларга яратилаётган шароит ва имкониятлар катта роль ўйнайди. Ўзбекистонга катта сармоя тикиб, тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган хорижлик ишбилармон, биринчи галда, ер, солиқ, бож масалаларига эътибор қаратади. Улар объект қуриш жараёнида инсон омили қай даражада иштирок этишига аҳамият беришади. Қурилиш соҳасига тааллуқли маълумотларнинг бир базада шаклланганi, ер олиш ёки сотишнинг автоматлаштирилгани инвесторлар ишончини орттиради.

Инвестиция дастурига кирган бинолар бўйича тегишли барча хужжатларни ягона тизимга жамлаш, ишларни мониторинг қилиш «Инвестиция дастуридаги объектлар қурилиши мониторинги» ахборот тизими орқали амалга оширилади. Бунда ягона иншоотлар реестри шакллантирилади. Тизим фойдаланувчиларининг шахсий кабинетлари очилиб, улар томонидан қурилиш босқичлари белгиланади ва тегишли ҳужжатлар киритиб борилади. Қолаверса, объектлар харитасини тузиш, инвестиция бўйича таҳлилий ҳисоботларни автоматик равишда шакллантириш, соҳага оид платформалар билан интеграция қилган ҳолда объектларга тегишли маълумотларни консолидациялаш ушбу тизимнинг асосий вазифалари саналади.

### «ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ КАЛЬКУЛЯТОРИ» ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТИ

Бирор ҳудудда қурилиш бошламоқчи бўлган қурувчи ёки оддий фуқаро, аввало, бу жойнинг ўз бизнесига мос ёки мос эмаслиги тўғрисида ўйлайди. Кейин қурилишга кетадиган сарф-харажатлар ҳисоб-китобини қилади, маблағи ва имкониятларини чамалайди. «Қурилиш жараёнлари калькулятори» интерактив хизмати орқали пудратчи ёки фуқаролар жараён тартиби, шартлари ва босқичлари ҳақида тўлиқ маълумот олиши мумкин.

– Унда объект бўйича маълумотларни киритиш, қурилиш босқичлари ҳамда белгиланган регламент ва норматив ҳужжатлар бўйича маълумот чиқариш имконияти мавжуд, – дейди Санжар Абдуғаниев. – Унда тегишли жараёнлар бўйича масъул ташкилотлар ҳақида маълумот ва йўл харитаси ҳам жамланади. Интерактив хизмат тадбиркорларга қурилишда қандай жараёнлардан ўтиш ҳақида хабардор бўлиш ва қурилиш ишларини режалаштиришда қўл келади. Қурилиш соҳасига энди кириб келган ёш тадбиркорлар учун эса бу айни муддао.

### «ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ»

Қурилиш ишлари, аввало, лойиҳалашдан бошланади. Сантиметр-миллиметригача аниқ ҳисоб-китоб қилинган лойиҳа-смета экспертлар томонидан кўриб чиқилиши ва маъқулланиши керак. Авваллари қоғозга чиқарилган юзлаб режалар тўплам ҳолида масъулларга тақдим этилар, хато-камчиликлар чиқиб қолса, тўпламлар тузатишлар билан яна қайтадан олиб борилар эди. Баъзи «уддабурон» тадбиркорлар навбат кутиш, мутахассис билдирган эътирозларни тўғрилаш каби оворагарчиликлардан қочиш учун бошқа йўлларни қидира бошлар эди. «Шаффоф қурилиш» лойиҳасига кирувчи «Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси» орқали шу каби ортиқча ҳаракатларга чек қўйилди. Лойиҳа ҳужжатлари ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақлашни таъминлайдиган ушбу ахборот тизими экспертизадан ўтказиш бўйича буюртмачи томонидан мурожаатларни электрон тарзда юбориш ва натижаларни электрон шаклда қабул қилиш мақсадида яратилган.

Асосийси, лойиҳа-смета ҳужжатларининг электрон шакли шу тизимга юклаб борилади ва ягона базада сақланади. Экспертлар томонидан аниқланган камчилик ёки хатолар қурувчи томонидан бартараф этилса, тузатилганлик тўғрисидаги маълумотлар ҳам айнан шу тизимга киритилади. Натижада экспертиза жараёнлари бўйича назорат ва ҳисоботлар автоматик равишда шакллантирилиб бораверади. Муҳими, қоғозбозлик йўқотилади, вақт тежалади, коррупция ҳолатларининг олди олиниб, жараёнда шаффофлик таъминланади ҳамда ишларни тизимли назорат қилиб бориш имконияти пайдо бўлади.

### СИФАТ ҚАНДАЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ?

«Шаффоф қурилиш» доирасидаги «Қурилиш ишлари сифати назорати» ахборот тизимини улкан лойиҳанинг мотори, десак бўлади. Сабаби, бино ҳар жиҳатдан талабга жавоб бермаса, қурилишда қилинган ҳар қандай меҳнат нолга тенг бўлиб қолаверади. Хўш, автоматлашган сифат назорати қай тартибда ишлайди ва қандай натижалар беради?

### «ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ТЕНДЕР ПЛАТФОРМАСИ»

Қурилиш бошлаш учун ер олиш масаласи соҳанинг энг муаммоли ва баҳсталаб йўналишларидан биридир. Баъзи ҳокимликлар вакиллари ёки мутасаддиларнинг ер бериш эвазига пора талаб қилгани ҳақидаги хабарларга кўзимиз тушиб қолади. Президентимиз охирги икки йил ичида давлат дастурлари доирасида бор-йўғи 182 та тендер ўтказилгани танқид қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган эди. Шундан келиб чиқиб, илғор давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, қурилиш ишлари тендерининг ягона мукаммал порталини ишлаб чиқиш бошлаб юборилди. Ривожланган хорижий давлатлар мутахассислари билан ҳамкорликда бу вазифани уддаладик. Жараён тўлиқ автоматлаштирилгач, унда кўзга ташланаётган муаммолар ўз ечимини топиши кутилмоқда.

– «Қурилиш ишлари тендер платформаси» автоматик шаклда оферталарни баҳолаш тизими бўлиб, унда тендер жараёни онлайн тарзда амалга оширилади ва барча қадамлар электрон имзо билан тасдиқлаб борилади, – дейди Санжар Абдуғаниев. – Натижада инсон омили минимал даражада камаяди, статистик ва таҳлилий материаллар жонли тарзда шаклланиб, соғлом рақобат муҳити юзага келади. Бир сўз билан айтганда, қурилиш соҳасида давлат харидлари ҳақидаги реал маълумотларни олиш имконияти яратилиб, барча босқичларда очиқлик ва шаффофлик таъминланади.

Соҳани рақамлаштириш, аввало, назорат инспекторларига қулайлик яратади. Натижада назорат яхшиланади. Ишнинг сифати ошиб, унга бўлган вақт сарфи ҳам анчагина камаяди. «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот базаси тўлиқ ишга тушгач, вазирлик мутасаддиларининг инспекторлар фаолиятини тўлиқ назорат қилишларига эришилади. Натижада коррупция ўчоқлари йўқ қилиниб, жараён шаффофлашади. Бундан, ўз навбатида, тадбиркор пудратчилар фаолияти осонлашади, халқимизга сифати юқори, нархи ҳамёнбоп уйлар тақдим этилишига ишонч уйғотади.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**
**«Янги Ўзбекистон» мухбири.**

*(«Янги Ўзбекистон» газетасининг 2020 йил 20 август сонидан).*

---

## СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Строительство подъездных и внутримассивных дорог**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-03**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 1,464 км подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Наманганской области.

**Срок строительства составляет** – 4 (четыре) месяца.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в Руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Наманганская область |
|---|
| **Адрес:** г. Наманган, ул. Навои, 22.<br>**Телефон:** (69) 227-94-30.<br>**Факс:** (69) 227-91-47. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены его реквизиты банковских счетов:**

| Наманганская область |
|---|
| **Банк:** филиал Юксалиш<br>АКБ «Hamkorbank»<br>**Р/с:** 2021 0000 8031 9675 2001<br>**ИНН:** 202 393 842 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по указанному адресу в пункте 3.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-03 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Протяженность дороги (п.м.) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|
| | по Наманганской области | | 1464 | 4 месяца | 21 сентября 2020 года, 15.00 |
| ИБР-103 | Янгикурганский | «Водий» | 402 | | |
| | Нарынский | «Бузулмас» | 585 | | |
| | Чартакский | «Дустлик» | 477 | | |

**Требования к участникам конкурсных торгов**

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Выполнение земляных работ в объёмах по крайней мере ____ м³ в течение одного года | Выполнение бетонных работ по строительству искусственных сооружений *(подпорные стенки, бордюры, ж/б лотки, приямки, мосты, ж/б опоры и т.д.)* в объёмах по крайней мере ____ м³ в течение одного года | Завершенное строительство автомобильных и внутримассивных дорог: общей площадью не менее _____ м² | общей протяжённостью не менее __ п.м. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Наманганская** | ИБР-103 | 2 800,00 | 500,00 | 1 500,00 | 3 | 5 000 | 300 | 10 000 | 2 000 |

---



## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Хоразм вилояти Малайзиянинг Бинари университети Урганч халқаро филиалини жойлаштириш учун ажратилган собиқ Урганч ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг Баҳодирхон кўчасидаги биносини реконструкция қилиш | 21 526 011 311 | 90 |
| **Молиялаштириш манбаси:** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан. | | | |
| 2. | Урганч маиший хизмат касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш негизида «Ишга марҳамат» мономарказини ташкил этиш | 9 378 713 312 | 90 |
| **Молиялаштириш манбаси:** Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан. | | | |

**Буюртмачи:** Хоразм вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

**Тел.:** 62-223-09-29.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича иш кунлари 9.00 дан 18.00 гача мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

**Телеграмм учун:** 97-456-31-84.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан 2020 йил 3 сентябрь куни, соат 11.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади:** Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Таклифларни очиш қуйидаги манзилда тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 3 сентябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади:** Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

**Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.**

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Строительство подъездных и внутримассивных дорог**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-03**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 5,805 км подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Андижанской области, 1,454 км подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Джизакской области и 0,971 км подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Сырдарьинской области.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных Территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенным адресам в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Андижанская область | Джизакская область |
|---|---|
| **Адрес:** г. Андижан, пр. Навои, 30. **Телефон:** (74) 223-57-05. **Факс:** (74) 223-57-05. | **Адрес:** г. Джизак, ул. И. Каримова, **Телефон:** (72) 226-14-66. **Факс:** (72) 226-14-66. |
| **Сырдарьинская область** | |
| **Адрес:** г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30. **Телефон:** (67) 227-64-84. **Факс:** (67) 227-64-42. | |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковские счета организаторов конкурсных торгов – Территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Андижанская область | Джизакская область |
|---|---|
| **Банк:** Андижанский городской филиал АКБ «InFinBank» **Р/с:** 2021 2000 4036 4994 4001 **ИНН:** 202 453 348 | **Банк:** Джизакский филиал АКИБ «Ипотека-банк» **Р/с:** 2021 0000 0037 5718 9001 **ИНН:** 202 411 803 |
| **Сырдарьинская область** | |
| **Банк:** Сырдарьинский филиал НБУ ВЭД, **Р/с:** 2021 0000 3038 3676 6001 **ИНН:** 202 585 476 | |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальных консалтинговых центрах по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по адресам, указанным в пункте 3.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-03 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Протяженность дороги (км) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|
| по Андижанской области | | 18 | 5,805 | | |
| ИБР-97 | Ханабадский | МСГ «Тейт» | 0,151 | 4 месяца | 14 сентября 2020 года, 10.00 |
| | | МСГ «А. Фитрат» | 0,399 | | |
| | | «Корасув» | 0,201 | | |
| | Асакинский | МСГ «Бобур», ул. Карвонсарой | 0,166 | | |
| | | МСГ «А. Темур» | 0,115 | | |
| | | МСГ «Улугбек» | 0,153 | | |
| | Избасканский | МСГ «Истиклол», «Ш. Юлдузи» | 0,079 | | |
| | | МСГ «Даминбойчек», «А. Тиллабоев» | 0,362 | | |
| Всего по Лоту: | | 8 | 1,626 | | |
| ИБР-98 | Булакбашинский | МСГ «Кумгузар», «Т. Рахимов» | 0,536 | 4 месяца | 14 сентября 2020 года, 10.30 |
| | Джалакудукский | МСГ «Шахрихончек», «А. Темур» | 0,208 | | |
| | | МСГ «Киличмозор», «Пахтакор» | 0,124 | | |
| | Кургантепинский | МСГ «Янги хаёт», «Кургонтепа» | 0,790 | | |
| Всего по Лоту: | | 4 | 1,658 | | |
| ИБР-99 | Ходжаабадский | «Хужаобод» | 0,982 | 4 месяца | 14 сентября 2020 года, 11.00 |
| | | «А. Набиев» | 0,127 | | |
| | Балыкчинский | «Чинобод» | 0,134 | | |
| Всего по Лоту: | | 3 | 1,243 | | |
| ИБР-100 | Мархаматский | МСГ «Бархаёт», «Т. Мирзаев» | 0,108 | 4 месяца | 14 сентября 2020 года, 11.30 |
| | | МСГ «Турон» | 0,217 | | |
| | | МСГ «Узбекистон» | 0,106 | | |
| | Шахриханский | МСГ «Карнайчи», «Янги Вахим» | 0,479 | | |
| | Алтынкульский | МСГ «Марказ» | 0,368 | | |
| Всего по Лоту: | | 3 | 1,278 | | |

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Протяженность дороги (км) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|
| по Джизакской области | | 1 | 1,454 | | |
| ИБР-101 | Ш. Рашидов | «Токчилик» | 1,454 | 4 месяца | 14 сентября 2020 года, 11.00 |
| по Сырдарьинской области | | | 971 | | |
| ИБР-102 | Баяутский | «Янгихаёт» | 523 | 3 месяца | 17 сентября 2020 года, 11.00 |
| | Гулистанский | «Юлдуз» | 448 | | |

### Требования к участникам конкурсных торгов

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Выполнение земляных работ в объёмах по крайней мере ___ м³ в течение одного года | Выполнение бетонных работ по строительству искусственных сооружений (подпорные стенки, бордюры, ж/б лотки, приямки, мосты, ж/б опоры и т.д.) в объёмах по крайней мере ___ м³ в течение одного года | Завершенное строительство автомобильных и внутримассивных дорог: общей площадью не менее ___ м² | Завершенное строительство автомобильных и внутримассивных дорог: общей протяжённостью не менее __ п.м. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Андижанская | ИБР-97 | 2 300,00 | 400,00 | 1 300,00 | 3 | 5 000 | 300 | 10 000 | 2 000 |
| | ИБР-98 | 2 100,00 | 400,00 | 1 100,00 | 3 | 5 000 | 300 | 10 000 | 2 000 |
| | ИБР-99 | 2 100,00 | 400,00 | 1 100,00 | 3 | 5 000 | 300 | 10 000 | 2 000 |
| | ИБР-100 | 1 700,00 | 300,00 | 900,00 | 3 | 5 000 | 300 | 10 000 | 2 000 |
| Джизакская | ИБР-101 | 2 300,00 | 400,00 | 1 300,00 | 3 | 5 000 | 300 | 10 000 | 2 000 |
| Сырдарьинская | ИБР-102 | 1 300,00 | 250,00 | 700,00 | 3 | 3 000 | 200 | 6 000 | 1 300 |

# ОБЪЯВЛЕНИЕ О РЕЗУЛЬТАТАХ

**НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГОВ 2020-02**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**с участием Исламского банка развития**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**ООО ИК «Кишлок курилиш инвест»**

Тендерные торги проводились с 9 июня по 18 августа 2020 года, согласно объявлениям, опубликованным в газете «O'zbekiston bunyodkori» за №44 (393) от 09.06.2020 г., №46 (395) от 16.06.2020 г., №49 (398) от 26.06.2020 г. и размещённым на веб-сайте www.tenderweek.com.

**Результаты тендерных торгов и сумма победителей указаны в нижеприведенной таблице:**

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Протяженность сетей водоснабжения (п.м.) | Протяженность сетей канализации (п.м.) | Монолитный ж/б резервуар кол-во/ёмкостью __м³ | Здание насосной станции | Водонапорная башня кол-во/ёмкостью __м³ | Победители | Предложение победителя торга (сум) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ВСЕГО, в том числе: | | 26 | 14 172 | 547 | 5 | 1 | 7 | 6 | 7 295 406 081 |
| Навоийская область | | 2 | 997 | 547 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 033 600 637 |
| ИБР-86 | Кызылтепинский | «Бунёдкор» | 161 | | | | | ООО «QIZILTEPA ASL TRANS» | 1 033 600 637 |
| | Карманинский | «Маликработ» | 833 | 547 | 2/50 | 1 | 1/50 | | |
| Джизакская область | | 1 | 899 | | | | | 1 | 176 866 685 |
| ИБР-87 | Ш. Рашидов | «Токчилик» | 899 | | | | | ООО «TOZASUV-INSHOOT» | 176 866 685 |
| Андижанская область | | 20 | 7348 | | | | 5 | 3 | 4 185 555 610 |
| ИБР-88 | Ханабадский | «Тейт» | 126 | | | | | ООО «Жахон маъмур курилиш» | 1 586 200 000 |
| | | «А. Фитрат» | 340 | | | | | | |
| | Булакбашинский | «Т. Рахимов» | 256 | | | | 1/25 | | |
| | Алтынкульский | «Марказ» | 934 | | | | 1/25 | | |
| ИБР-89 | Ханабадский | «Бобур» | 255 | | | | | ООО «Шахрихон курилиш грант» | 1 434 200 000 |
| | | «А. Темур» | 226 | | | | | | |
| | | «Улугбек» | 55 | | | | | | |
| | Шахриханский | «Янги Вахим» | 467 | | | | 1/25 | | |
| | Джалал-кудукский | «А. Темур» | 145 | | | | | | |
| | | «Пахтакор» | 90 | | | | | | |
| | Кургантепинский | «Кургонтепа» | 460 | | | | | | |
| | | «Корасув» | 275 | | | | | | |
| | Мархаматский | «Т. Мирзаев» | 23 | | | | | | |
| | | «Турон» | 145 | | | | | | |
| | | «Узбекистон» | 120 | | | | | | |
| | Балыкчинский | «Чинобод» | 420 | | | | | | |
| ИБР-90 | Избасканский | «Ш. Юлдузи» | 405 | | | | 1/25 | ООО «Андижон куркам курилиш» | 1 165 155 610 |
| | | «А. Тиллабоев» | 575 | | | | 1/25 | | |
| | Ходжаабадский | «Хужаобод» | 795 | | | | | | |
| | | «А. Набиев» | 1 236 | | | | | | |
| Наманганская область | | 3 | 4 928 | | 3 | | 1 | 1 | 1 899 383 149 |
| ИБР-91 | Нарынский | «Бузулмас» | 378 | | | | 1/50 | ООО «НОРИН САНТЕХ МОНТАЖ» | 1 899 383 149 |
| | Чартакский | «Дустлик» | 3 081 | | 1/500 | | | | |
| | Янгикурганский | «Водий» | 1 469 | | 2/250 | | | | |

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таникулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-853.
2148 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 22.00. Топширилди – 23.40.

1 2 3 4 6

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№65 (414) 2020 йил 21 август






# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*барча ҳамюртларимизни қутлуғ айём – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги билан табриклайди.*

*Ушбу айём барчамизнинг хонадонимизга файзу барака, қалбларимизга қувонч ва шодлик олиб келсин!*



# БУХОРО ВИЛОЯТИ
## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги билан барча ватандошларимизни, шунингдек қурилиш соҳаси ишчи-ходимларини самимий табриклайди.**

